

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ШУХРАТ САЛАЙДИНОВИЧ

АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҚАРАШЛАРИНИНГ
ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

09.00.03 - Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philosophical sciences**

Бозоров Шухрат Салайдинович

Аҳмад Дониш маърифатпарварлик қарашларининг

ижтимоий-фалсафий моҳияти..... 3

Бозоров Шухрат Салайдинович

Социально-философская сущность просветительских взглядов

Ахмада Дониша 23

Bozorov Shukhrat Salaydinovich

Socio-philosophical essence of the enlightenment views of Ahmad Donish 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ШУХРАТ САЛАЙДИНОВИЧ

АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҚАРАШЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

09.00.03 - Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fal585 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Рустам Тохирович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хажиева Максуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ахмедова Зебинисо Азизовна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Ҳ. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда XXI асрда жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар глобал муаммоларни бартараф этишга қаратилган узок истиқболли ижтимоий-маданий дастурларда буюк маърифатпарварларнинг бетакрор маънавий меросига таяниб миллатларнинг маънавий-миллий ўзлигини англашга кўмаклашиш устувор вазифалар сифатида белгиланмоқда. Дунё тамаддунида илм-фаннинг ривожига сезиларли ҳисса қўшган алломаларнинг маърифатпарварлик ғояларини замонавий ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш жараёнига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлашуви йўлида хизмат қилган Аҳмад Донишнинг миллий ўзликни англаш, ижтимоий ҳамжиҳатлилик ва толерантликка оид ғояларининг конструктив аҳамиятини, бугунги замонавий ёшлар ахлоқий тарбиясига адекват эканлигини фалсафий жиҳатдан асослаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида ва илмий-тадқиқот марказларида XIX аср охири XX аср бошларида яшаган илм-фан фидойилари, мутафаккир алломаларнинг жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги қарашлари, ахлоқ ва маънавиятга, маърифатпарварликка оид қарашларини ўрганишга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Миллий-маънавий кадриятларни янада ривожлантириш, замонавий ёшларнинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашини кенгайтириш, мантикий-фалсафий мушоҳадакорликка чорлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, маърифатпарвар Аҳмад Дониш ҳаёти ва фаолияти ва маънавий меросининг садоқат, сабр-қаноат каби инсон комиллиги мезонларини, жамият стратификацион тизимида зиёли қатлами мавқеини ошириш ҳақидаги секуляристлик ғояларини жамият тараққиётининг субстанционал асоси сифатида тадқиқ этиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда маърифатпарвар алломаларнинг маънавий меросини ўрганиш, маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, ёшларнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашга оид ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. “Давр фарзандларини юксак фазилатли инсонлар этиб тарбиялаш ўша замон маърифатпарварларининг ҳаётий ва фуқаролик эътиқодига айланди. Бу орзу Машраб ва Комил Хоразмий, Мунис ва Огаҳий, Бердақ ва Ажиниёз, Аҳмад Дониш сингари маърифатпарварларни уйғотди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодира ва Дилшоҳи Барно, Анбар Отин асарларида ўз ифодасини топган билим ва маърифатга интилиш ғояларида мужассам бўлди”¹. Шу боис, Аҳмад Донишнинг замонавий ёшлар ахлоқий тарбиясига оид қарашлари, жамият бошқаруви, давлатчилик тузумига оид ғояларининг фуқароларни миллий ва умуминсоний кадриятларга мос юксак маънавиятли қилиб тарбиялашдаги ўрнини фалсафий асослаб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б.18.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сон “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасида жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги ўзгаришлари, маърифатпарварлик соҳасида ислохотлар, маърифатпарвар-жадидларининг фаолиятларини ўрганиш хорижлик олимлардан Адиб Холид, А.Андикан, Э.Олворт, Дж. Бекка А. Беннигсенларнинг² эътиборини ўзига жалб қилиб келган

МДҲ тадқиқотчилари А. Багоутдинов, И. Брагинский, Е. Бертельс, З. Ражабов, М. Диноршоев, Ш. Абдуллоев, Р. Ҳодизода, А. Хайдаров, К.Олимовлар томонидан³ Туркистон маърифатпарвар олимлари фаолиятини

² Adeeb Khalid: The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Comparative Studies in Muslim Societies, Volume 27. (Online version) Berkeley: University of California Press, 1999. – pp.400.; Andican A. Turkestan Struggle Abroad from Jadidism to Independence. Haarlem: Sota, 2007. – 776 s.; Allworth E. Central Asia. A Century of Russian rule. New York-London: Columbia University Press, 1967. pp.522.; Becka J. Soviet studies on Ahmad Donish. Archiv Orientalni. Praha, 1963. 31/3. -pp.483 – 487.; A.Bennigsen. Mystics and Commissars, Muslims of the Soviet Empire. A Guide. — Bloomington, Ind., 1985.

³ Богоутдинов, А. М. Очерки по истории таджикской философии. — Душанбе: Таджикгосиздат, 1961. 332 с.; Брагинский И. С. Краткая литературная энциклопедия. М.: Советская энциклопедия, 1962—1978.; Бертельс Е.Э. Рукописи произведений Ахмада Калл.Э. М-л. 1936. С.11.; 132; Рачабов З. Ш. Маорифпарвар Ахмади Дониш (Просветитель Ахмад Дониш). Душанбе: Ирфон, 1964. - 306 с.; Диноршоев М. Из истории таджикской философии. Т.: 1986.; Абдуллоев Ш. Афкори маорифпарварӣ ва озодфикрӣ: (Афкори динию фалсафӣ ва ислохотии А. Дониш) (Просветительство и свободомыслие). Душанбе, 1994.- 150 с.; Хади-заде Р. Ахмади Дониш (Ахмад Дониш). Тарчимаи ҳол ва мероси адабию илмӣ / Р. Ходизода.- Душанбе: Ирфон, 1976.- 293 с.; Хайдаров А.А. Реформаторские взгляды Ахмада Дониша в обновлении системы образования в Бухарском эмирате: XIX и начало XX веков // Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. –Душанбе.: 2012. – 26 с.; Олимов К. Введение // История таджикской философии. Т.1. С.10.

ўрганиш, илмий меросини тарғиб қилиш билан бирга Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик меросини илмий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш борасида салмоқли тадқиқотлар олиб борилган.

Юртимизда XIX аср охири XX аср бошларида маданий-ахлоқий ва маърифатпарварлик ишларини янгиланишларга бўлган интилиш, маърифатпарвар-жадидларнинг маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, унинг дунёвий илмларни тарқатиш борасидаги қарашларини тарихийлик ва замонавийлик контекстида амалга оширилган тадқиқотлар эътиборга моликдир. Файласуф олимлардан И. Мўминов, Ш. Мадаева, М. Хажиева, Р. Шодиев, Д. Амридинова, З. Ахмедова, С. Абдивоҳидов⁴, тарихчилардан Д. Алимова, Р. Жумаев, И. Наимов, Н. Абдурахимова тадқиқотларида⁵ Марказий Осиёда маърифатпарварларлик ғояларининг тарихий, бадиий, ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ўрганилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда Аҳмад Дониш маърифатпарварлик қарашларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти яхлит илмий таҳлил қилинмаганлиги, уларда ижтимоий-сиёсий, адабий-танқидий фикрлар устуворлигини кўрсатмоқда. Шу боис мазкур диссертацияда Аҳмад Донишнинг миллий-маънавий тараққиётга оид қарашлари, уларнинг миллий ўзликни англашдаги аҳамиятига, ёшлар ахлоқий тарбиясидаги ўрнини фалсафий тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2020022811 рақамли “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2020-2022 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Аҳмад Дониш маърифатпарварлик қарашларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш ва маърифий жамиятни барпо этишдаги ўрнини асослашдан иборат.

⁴ Мўминов И.М. Ўзбекистонда табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). –Т.: Фан, 1999. – 256 б.; Мадаева Ш.О. Мусулмон ҳуқуқшунослиги ва унинг тарихий идентификацион хусусиятлари // Марказий Осиё ренессанси журнали. Тошкент, 2021. № 1. – Б. 16-29.; Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-маърифий қарашларининг тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: Muharrir, 2012. – 134 б.; Шодиев.Р.Самарқанд жадидларининг педагогик мероси ва ёшлар тарбияси.-Самарқанд. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –СамДЧТИ, Самарқанд. 2018 йил Б-150-152.;Амридинова,Д.Т.XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги маърифатпарварларнинг инсонпарварлик ғоялари // Фалсафа ва ҳуқуқ. - 2019.– №2. Ахмедова З.А. XIX аср иккинчи ярмида Бухорода ижтимоий фалсафий фикр равнақи (А.Дониш ва Шамсуддин Шахин қарашлари мисолида). Фан номзоди диссертация автореферати. 2007. – 52 б.; Абдивоҳидов.С.Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий–сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.2020.- 41 б.

⁵ Алимова Н.И. Политика царской России в Туркестане в области национальной культуры (1867-1917 гг.): Дис. ... канд. ист. наук. –Т.: 2004. – 146 с.; Жумаев Р.Ф. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг илмий-назарий таҳлили (Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашлари мисолида). фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Т.: 2020. -45 б.; Наимов.И. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик фаолияти ва унинг илмий мероси. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2022. -54 б.; Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв. Автореферат диссертации доктора ист. наук. –Т.: 1994. - С. 74-75.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг Аҳмад Дониш қарашларига таъсирининг фалсафий омилларини тадқиқ қилиш;

Аҳмад Донишнинг маънавий меросида жамият ривожини тўғрисидаги ғоялар тизими, Бухоро амирлигидаги ижтимоий ҳолат (бошқарув, маориф, ҳарбий соҳасидаги) сабабларини очиқ бериш;

Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларида давлат бошқарувидаги адолат мамлакат сиёсий бошқарувини ислоҳ қилиш, халқ манфаатларини олға сўриш тўғрисидаги қарашларини илмий-фалсафий тадқиқ қилиш;

Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое”, Садр Зиёнинг “Наводири Зиёия” асари ҳамда “Девони Аҳмади Дониш” асарларини қиёсий таҳлил қилиш орқали мутафаккир илмий меросида маърифатпарварлик қарашларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиқ бериш;

Аҳмад Дониш маънавий меросининг ҳозирги замон учун аҳамияти, унинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрнига оид илмий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Аҳмад Донишнинг маънавий меросидаги жамият ривожини тўғрисидаги ғоялар, давлат бошқарувидаги адолат, сиёсий бошқарувини ислоҳ қилиш, халқ манфаатларини олға сўриш борасидаги қарашларини илмий-фалсафий тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Аҳмад Дониш маърифатпарварлик қарашларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини асослаш, ҳозирги замон учун аҳамияти, унинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрнини аниқлаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертацияда илмий билишнинг ворисийлик, тарихийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тизимлилик, анализ ва синтез, объективлик ва мантиқийлик каби илмий билиш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлашуви йўлида Аҳмад Донишнинг миллий ўзликни англаш, ижтимоий ҳамжиҳатлилик ва толерантлик каби илғор ғояларининг конструктив (бунёдкорлик) аҳамияти “Наводир ул-вақое” асари асосида далилланган;

мутафаккирнинг садоқат, нафсни енгиш, сабр-қаноат каби инсон комиллиги мезонлари узлуксиз маънавий тарбия тамойилларига ҳамоҳанглиги, ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни шакллантириши сабабли бугунги замонавий ёшлар ахлоқий тарбиясига адекват эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

Аҳмад Дониш томонидан жамият стратификацион тизимида зиёли қатлам мавқеини ошириш ҳақидаги секуляристик ғоялари халқ ҳақида ғамхўрлик, давлат иқтисодиётининг юксалиши, фан ва техникани ривожлантириш ҳамда ижтимоий манфаатларга бўйсунганини тарғиб

этганлигига кўра жамият тараққиётининг субстанционал асосига мос эканлиги аниқланган;

Аҳмад Донишнинг “Бухоро манғитларининг қисқача тарихи”, “Наводир ул-вақоеъ” асарларида ўша давр жамият бошқаруви, давлатчилик тузуми каби муаммоларни ечимида давлат бошқаруви ва ишлаб чиқариш тизимида билимли, тажрибали кадрларни танлаш ва уларга муносиб амал бериш заруратини асослаганлиги сабабли фундаментал манба эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аҳмад Донишнинг прогрессив ижтимоий-фалсафий қарашларида фалсафий таҳлилларнинг берилиши ва Дониш асарларининг мантиқий тузилишига эга эканлиги сабаб, фалсафа тарихи ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиши манбалар таҳлили асосида фалсафий асосланган;

Аҳмад Дониш ғояларида ўзи яшаб турган давр талабларидан ўзиб кетиш, стратегик таҳлил, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда долзарб масалаларни кўтариб чиқиш орқали уларнинг структуравий ечимининг берилиши мутафаккир илмий асарлари орқали очиб берилган;

Аҳмад Дониш маърифатпарварлик қарашларида ислоҳотчилик тенденцияларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва ижтимоий ҳаётда кадрларга бўлган муносабат масалалари тадқиқ этилиб, “Фалсафа тарихи” ва “Ўзбекистон тарихи” фанларининг мазмунини бойитишда ва ўқув адабиётларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усулларининг тўғри танланганлиги ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган илмий янгилик ва хулосалардан жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларда назарий-методологик асос сифатида хизмат қилиши, Аҳмад Донишнинг Бухоро маърифатпарварлик мактабидаги ўрни, сиёсий, ижтимоий, ва табиий йўналишдаги фаолияти ҳақида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, мазкур масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этишга асосланган махсус илмий-амалий ва назарий анжуманлар, семинар тренингларини ўтказишда, шунингдек, тарих, фалсафа, фалсафа тарихи, жадидчилик фалсафаси, диншунослик фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, халқимизнинг тарихий маданий-мероси, миллий кадриятларини тарғиб қилишда, маънавий тарбия

методларини ишлаб чиқиш имкониятини бериши, ёшлар билан ишлаш ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида ва маънавий тарғибот марказларининг маънавий-маърифий ишларда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши, маданий меросни тадқиқ этишга бағишланган мақсадли дастурлар ижроси, муайян соҳа кадрлари малакасини ошириш, шунингдек, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасига оид туркум рисоалар нашр этишда, “Фалсафа”, “Маънавиятшунослик”, “Касбий этика ва этикет” ва “Касб маънавияти” фанларининг мавзуларини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳмад Дониш маърифатпарварлик қарашларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш асосида маърифий жамият барпо этишдаги ўрнини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлашуви йўлида Аҳмад Донишнинг миллий ўзликни англаш, ижтимоий ҳамжиҳатлилик ва толерантлик каби илғор ғояларининг конструктив аҳамияти “Наводир ул-вақое” асари асосида ишлаб чиқилган хулосалар ва илмий янгиликлардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган КА-3-007-рақамли “Ўзбекистонда фан ва таълим интеграциялашуви жараёнининг ижтимоий, маънавий-ахлоқий, концептуал фалсафий муаммолари таҳлили” (2018-2020 йй) мавзусидаги амалий-илмий тадқиқот лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 28 июлдаги 04/11-4374-сон маълумотномаси). Натижада, амалий илмий-тадқиқот лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва кенг жамоатчиликка мутафаккир Аҳмад Донишнинг маърифатрарварлик фаолияти ва маънавий-меросининг ҳозирги замон учун аҳамияти, унинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг заруриятини асослашга хизмат қилган;

мутафаккирнинг садоқат, нафси енгил, сабр-қаноат каби инсон комиллиги мезонлари узлуксиз маънавий тарбия тамойилларига ҳамоҳанглиги, ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни шакллантириши сабабли бугунги замонавий ёшлар ахлоқий тарбиясига адекват эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг II йўналишига оид “Ўзбекистондаги янгилашни жараёнлари, амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятни кенг тарғиб қилиш, “Янги Ўзбекистон - Учинчи Ренессанс сари” ғоясини руёбга чиқаришга қаратилган умуммиллий ҳаракатни юзага келтириш чора-тадбирлари” лойиҳалар танловини ташкил этишда ҳамда 9 банд мамлакатимиздаги кенг қамровли ислоҳотлар мазмунини аҳолининг турли қатламларига тушунтириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда

халқ бирдамлиги ва дахлдорлигини кучайтиришга қаратилган “Уйғониш маърифати” туркум кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва Маърифат марказининг 2022 йил 17 июндаги 02/02/1094-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда юз бераётган ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда маърифатпарвар мутафаккирларнинг бой маънавий меросидан фойдаланиш, аждодларимизнинг илғор ғояларини замонавий ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришда фойдаланишда илмий-назарий манба сифатида хизматқилган;

Аҳмад Дониш томонидан жамият стратификацион тизимида зиёли қатлам мавқеини ошириш ҳақидаги секуляристик ғоялари халқ ҳақида ғамхўрлик, давлат иқтисодиётининг юксалиши, фан ва техникани ривожлантириш ҳамда ижтимоий манфаатларга бўйсуншни тарғиб этганлигига кўра жамият тараққиётининг субстанционал асосига мос эканлигига оид назарий умумлашмалар ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий маркази томонидан нашр этилган “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий-фалсафий мероси” мавзусидаги энциклопедиясини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2022 йил 16 июндаги 02/304-сон маълумотномаси). Натижада, “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси мавзусидаги энциклопедияни мазмунан такомиллаштиришга, жавонмардлик, садоқат, нафси енгиш, сабр-қаноат каби инсон комиллиги мезонлари бугунги замонавий ёшлар ахлокий тарбиясига адекват эканлигини фалсафий жиҳатдан асослашга хизмат қилган;

Аҳмад Донишнинг “Бухоро манғитларининг қисқача тарихи”, “Наводир ул-вақоеъ” асарларида ўша давр жамият бошқаруви, давлатчилик тузуми каби муаммоларни ечимида давлат бошқаруви ва ишлаб чиқариш тизимида билимли, тажрибали кадрларни танлаш ва уларга муносиб амал бериш заруратини асослаганлиги сабабли фундаментал манба эканлиги доир таклиф ва тавсиялардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 4 июн куни эфирга узатилган “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 11 июндаги 01-02/231-сон маълумотномаси). Натижада, Аҳмад Донишнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида халқнинг сиёсий онгини ошириш, мамлакатни демократлаштириш, юрт, миллат, инсон эрки, ижтимоий-сиёсий, маънавий-фалсафий ғоялари асосида баркамол авлодни етук шахс сифатида шакллантириш орқали маърифатли жамият куриш ғояларини тарғиб қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Аҳмад Дониш ижтимоий-фалсафий қарашларининг методологик асослари”** деб номланиб, унда Туркистоннинг XIX аср шароитида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ва ижтимоий-фалсафий қарашлари шаклланиши омиллари тадқиқ этилган.

Диссертацияда XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб (1756 йилдан то 1920 йилгача) Бухоро хонлиги давлат бошқаруви манғитлар сулоласи ҳукмронлиги остида бўлиб, давлат бошлиғи хон номидан амир номига ўзгартирилган ва Бухоро амирлиги деб атала бошлангани⁶ айтилади. XIX асрдаги ички низолар ва давлат бошқарувидаги нотўғри стратегия 1865 йилга келиб, Чор Россиясининг Марказий Осиёни осон эгаллаши ҳамда Бухоро амирлигининг Россия империяси вассалига айлантирилишига замин яратган⁷.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, бошқа хонликларга нисбатан аҳоли кўп яшайдиган, улкан ҳудуд ва қудратга эга бўлган Бухоро амирлиги 1920 йилга қадар расман ўз давлатчилигини сақлаб қолган ҳолда фаолият юритган бўлсада, амалда Чор Россияси ҳукуматининг итоаткор вассалига айланган. Асосан, юқори диний амалдорлар саналган шайхулисломлар дастлаб амирликда энг олий тоифали дин вакиллари сифатида эътироф этилган бўлса, XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида қозикалонлар юқори мавқейга эга бўла бошлаганлар. Амир ҳузуридаги кенгашларда дин вакилларида қозикалон, шайхулисломлар қатнашганлар⁸. Бухоро амирлиги хонликлар орасида фақат иқтисодий, сиёсий марказ эмас, балки илмий марказ ҳам

⁶ Вохидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги унвон ва мансаблар. - Тошкент: Фан, 1996. -Б. 22.

⁷ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи. - Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б. 11-13.

⁸ Ризаев А.К., Ташкулов Д. Из истории политической и правовой мысли. - Москва: Юридическая литература, 1990. – С. 47.

ҳисобланган. Ўша даврда Бухоро ҳатто “Ўрта Осиёнинг Афинаси” деб аталган⁹. Бухоро шаҳри Марказий Осиёда амирлик даврида ҳам ислом динининг маркази саналган.

Диссертацияда “Тарихи нофеи” асарида Бухоро шаҳрига “Илм боғчаси” деб таъриф берилгани¹⁰ таъкидланади. Мадрасаларда фикҳ, шариат асослари, адабиёт, тил, тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, математика фанлари ўқитилган бўлсада, асосан диний, ахлоқий таълим беришга эътибор қаратилган. Йирик мадрасалар олий таълим вазифасини бажариб, уларда бир неча мударрислар дарс берганлар. Мударрисларнинг кўпчилиги ислом фалсафаси, мусулмончилик ҳуқуқлари, шариат қонунчилигидан таҳсил берганлар.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, XX асрнинг бошларига келиб эса Бухорода фаолият юритадиган мударрислар сони саккиз юзтага етган¹¹. Ана шундай мударрислар оиласидан етишиб чиққан мутафаккир олим Аҳмад Донишдир. Олимнинг асл исми Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафи ас-Сиддикий ал-Бухорий бўлиб, “Аҳмад Калла”, “Муҳандис”, “Аҳмад Маҳдум” номлари билан ҳам ўз замонасининг илғор фикрловчи маърифатпарварига айланган аллома 1827 йил 21 сентябрда Бухоро шаҳрининг Кўчаи Сангин гузаридаги ўртаҳол мударрис оиласида таваллуд топган.

Диссертацияда Аҳмад Дониш мадрасада ўқиш давомида моддий томондан қийнаган бўлсада, унинг маънавиятини ўсишида катта рол ўйнагани таъкидланади. Мадрасадаги қаттиқ тартиб интизом ва Донишнинг турли фанларга қизиқиши уни мустақил тарзда тарих, адабиёт, астрономия, геометрия, фалсафа, тасвирий санъат, мусиқа каби фанларни ўзлаштиришга ундаган¹². Дониш ҳаттотлик ва наққошлик соҳасида ўз ишининг моҳир устасига айланган. Айниқса XV аср миниатюра санъати услубида чизилган ва бугунги кунгача сақланиб қолган “Мактаб” номли миниатюраси хотин-қизларни ўқитиш ғояси илгари сурилганлиги билан диққатга сазовордир¹³. Аллома Фузулий, Алишер Навоий, Умар Ҳайём, Ибн Сино каби алломаларнинг ижоди билан қизиқиб, уларнинг асарларини таржима қилган. Мирзо Бедилнинг оламнинг абадийлиги, руҳ ва жисм муносабати каби фалсафий қарашларини таҳлил қилган.

Диссертацияда 1857 йилда амир Насруллонинг Петербургга Бухоро амирлиги делегациясини элчи сифатида юбориши натижасида Аҳмад Дониш элчилар сафида котиб сифатида қатнашгани таъкидланади. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, бадий масалалар билан бирга астрономия илмини ўрганишга катта эътибор қаратган Аҳмад Дониш Бухоро элчилари таркибида

⁹ Аҳмедова З. Аҳмад Маҳдуми Дониш. Монография. - Бухоро: Дурдона, 2021. – Б. 17

¹⁰ Воҳидов Ш. “Тарих-и нофеи”. Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. // Ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1997. -№ 9. –Б.10-11.

¹¹ Ризаев А.К., Ташкулов Д. Из истории политической и правовой мысли. - Москва: Юридическая литература, 1990. – С.77.

¹² Мўминов И.М. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари. - Тошкент: Фан, 1990. –Б.118.

¹³ Айни С. Воспоминания. / Пер. с таджикского А.Розенфельд. - Москва: Ленинград, 1960. – С.255.

уч маротаба Петербургда бўлиб, Европа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишгач дунёқарашида катта бурилиш бўлиб, ўз таассуротлари таъсирида Бухорода мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш лойиҳасини олға сурган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Донишнинг ўзига хос ва мураккаб дунёқараши Марказий Осиё худудларида маърифатпарварликка асосланган демократик ғоя ва қарашларнинг ривожланишига замин яратди. Чунки, аллома биринчилардан бўлиб, амир Музаффарга эски мактаб ва мадрасалар тизимини ўзгартириш, диний фанлар билан биргаликда дунёвий фанларни аниқроғи математика, физика, астраномия ҳамда рус тилини ўқитиш масаласини илгари сурган эди. Аҳмад Донишнинг илмий-адабий меросидан бугунги кунга қадар ўнг минг мисрадан ортиқроқ назмий шеърлар ва бир неча жилдлик мукамал илмий асарлар етиб келган. Ушбу асарлардаги асосий мавзу бу Бухоро амирлигининг давлат бошқарув тизимидаги кўпол камчиликлар ёки замоннинг сохта дин пешволарининг танқиди, шунингдек халқни маърифатли қилиш ва демократик жамият куриш орзуси бўлган. “Аҳмад Донишнинг асарларида мактаблар ва давлат тизимини ислоҳ қилиш учун кураш, янги маданиятни ва маърифатни кенгайтириш, акс эттирилган. Шунинг учун ҳам мутафаккир асарлари Бухоро амирлигининг маърифатпарвар зиёлилари учун қомусий асарлар саналган”¹⁴.

Диссертант фикрича, Аҳмад Донишнинг “Меъёри тадайон”, “Бухородан Петербургга саёҳат” “Наводир ул-вақоеъ” (Нодир воқеалар), “Рисолаи дар назми тамаддун ва маъовун” (Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола), “Таржимаи аҳволи амирони Бухоро” (Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари), “Тарихи салтанати хонадони манғития” (Манғит амирлари тарихи), “Дафтари тақвим” (Кундаликлар), “Ин рисолаист ислоҳ миёни шиа ва сунн” (Шиалар ва суннийларни яраштириш тўғрисида насиҳат), “Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла” (Аҳмад Калла ҳикоялари тўплами), “Манозир ул-кавокиб” (Сайёраларнинг жойлашуви), “Мажмуи рисолаи нуҷум”, “Рисола фи аъмол ал-курра” (Глобусдан фойдаланиш йўллари) сингари кўлөзма асарларининг нусхалари кўлөзмалар фондида сақланмоқда.

Диссертант фикрича, Аҳмад Дониш ижодида умр мазмунини фалсафий таҳлил қилиш алоҳида ўрин тутди. Мутафаккир ҳар бир инсон ҳаёти давомида эзгу ишлар қилмоғи, илму ҳунарини эл-юртига бахшида этмоғи лозимлигини ўқтиради. Ҳар бир киши “каттадан ҳам, кичикдан ҳам сабоқ олишга интилсин” деб таъкидлаб, Сукрот, Арасту ва Афлотун каби буюк файласуфларнинг айрим нарсаларни ўз шогирдларидан ўрганганлигини мисол келтиради.

Диссертацияда Дониш ўз қарашларининг марказида адолат масаласини қўйганини ва давлатни адолатпарварлик билан бошқаришга ақлу идрок ва илму тафаккур нуқтаи назаридан ёндашганлиги таъкидланади. Ушбу қарашлар Шарқ мутафаккирлари илгари сурган ва оқил ҳукмдорлар амал қилган давлатни илм-маърифат аҳлига таяниб бошқариш ғоясидир. Чунки,

¹⁴ Юнусов А. Аҳмад Дониш. - Сталинобод: Ирфон, 1960. – Б.19-25.

айнан улкан империяга айланган Амир Темур ва темурийлар салтанатида ҳам илм аҳли ва уламолар кадрланган ҳамда давлат бошқарувида адолатли қарор қабул қилишда уларнинг маслаҳатларидан фойдаланилган. Шунинг учун ҳам давлат бошқаруви кенгашида саййидлар, уламолар ва шайхлар иштирок этишган¹⁵.

Диссертацияда Аҳмад Дониш кучли жамиятшунос ва дипломат мутафаккир эканлиги таъкидланади. Донишнинг мулоҳазаларига кўра, мамлакатда яшайдиган ҳар бир киши ўз мансаби ва моддий мавқеидан фарқлансада ижтимоий ёки умуминсоний кадриятлар нуқтаи назаридан ҳамма бирдек мавқега эга. Шунинг учун ҳам, аллома ислом динидаги шиалар ва суннийларни мурасага келиштириш масалаларига бағишлаб ёзган рисоласида ислом тарихи, ундаги турли йўналишларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб, Жалолиддин Румий, Имом Ғаззолий, Абдурахмон Жомий ва Мирзо Бедил каби буюк донишманд файласуфлардан иқтибослар келтириб ўтади. Шунингдек, алломанинг “Ин рисолаист ислоҳ миёни шеъа ва сун” (Шиалар ва суннийларни яраштириш тўғрисида насихат) номли кўлёмаси Донишнинг диний дунёқарашлари ва ислом дини йўналишларига бўлган муносабатини белгилаб берган.

Аҳмад Дониш илмий меросида ижтимоий илмлар яъни тарих, адабиёт, дин каби йўналишларнинг ёритилиши билан бирга табиий илмлар, хусусан астрономия, космология муаммоларининг ҳам ёритилиши мутафаккирнинг муттасил тадқиқотлар олиб борганлигидан далолат беради. Аллома Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий фикрларини умумлаштириб, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, Бухоро ва Россия давлат қурилиши ва қонунчилигини ўрганиб, ўзининг қарашлари тизимини ишлаб чиққан олим ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг моҳияти”** деб номланиб, унда Аҳмад Дониш ижтимоий-фалсафий қарашларининг ўзига хос хусусиятлари, аллома асарларидаги гуманистик ғояларнинг моҳияти очиб берилган.

Диссертацияда Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақое” асари ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўзида намоён этганлиги айтилади. Асарда калом илми, аҳли илмнинг шуғулланадиган ҳунарлари ҳамда фикҳ, фатво илми, ҳуқуқий ҳужжатларни юритиш, ҳаттотлик, тиббиёт, астрономия, шеърят, ўқитувчилик ҳақида сўз юритилади. Асарнинг “Касб-ҳунар фойдалари ҳақида” номли бобида “Ҳар бир мусулмон одам энг аввало ўзига зарур бўлган илмларни ўқиши фарздир. Шундан сўнг тирикчилик учун бирор касб-ҳунар ўрганиши лозим. Қайси илм ва ҳунар кишининг ақлига, руҳига тарбия берар экан ундай илм ва ҳунар ўз эгасини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кўллаб-қувватлайди. Агар илм ва ҳунар руҳга тарбия бермай, танни семиртириб, орзу-ҳавасни кўпайтириб, нафси шайтонга ёрдам берадиган бўлса, ундай илм ва ҳунарлар эгасининг офати, худонинг лаънатидир. Шариат асосларини ўрганиш энг ҳурматли ҳунар, у ақлимиз ва руҳимизни

¹⁵ Раҳмонов С. Амир Темур даврида тасаввуфнинг ижтимоий маънавий роли. / Фалсафа фан. фалс. док. (PhD) дисс. автореферати. - Самарқанд, 2021. – Б.18.

ёритадиган илмдир чунки, Шариатда илм ўқишда халқни тўғри йўлга солиш, уларга илм-амал ўргатишдан бошқасини, зинҳор ўйламанглар дейилган”¹⁶ - деб таъкидланади.

Диссертант фикрича, Аҳмад Дониш мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун лозим бўлган бир неча шартларни илгари сурган, жумладан: подшоҳ ҳар бир ишни адолатли ҳал қилиш учун, ўзини шу вазиятда қўра билиши лозимлиги, ҳукмдор тез, ҳозиржавоб бўлиб, кишиларни куттирмаслиги, ҳожатли кишиларни тезда ишларини ҳал қилиб бериши, подшоҳ сабрли, қаноатли бўлиб, овқатланиш ва кийинишда оддий фуқаролардек бўлишга интилиши, ҳукмдор халққа доим яхшилик қилиши ва худбин бўлмаслиги, давлат бошлиғи оқил олимлар, маърифатли донишмандлар билан маслаҳатлашиши, яхши ҳукмдор албатта шариатга қарши чиқмаслиги, ислом дини қонун-қоидаларига амал қилгани ҳолда барча учун баробар, тенг ҳуқуқли қарорлар қабул қилиши, адолатли ҳукмдор мамлакатни адолатли бошқариши билан бирга давлат ҳавфсизлигини ҳам таъминлаши, адолатли ҳукмдор қўл остидагиларни адолатли, виждонли бўлишга чақириб, ҳаттоки давлатга хиёнат қилган қўл остидаги амалдорларни ҳам барчага ибрат бўлгулик жазога тортиши, подшоҳ қўполлик қилмай ҳар бир ишни ҳужжат ва далилларга суянган ҳолда, исботи билан иш кўриши лозимлиги, ҳуқумдорнинг энг яхши фазилатларидан бири камтар, мурувватли бўлиши кабилар.

Диссертацияда Аҳмад Дониш юқоридаги ўнта шарт адолатли ҳукмдорда бўлиши кераклигини таъкидлаб, Бухоро амирини шундай бўлишга чорлагани таъкидланади. Унинг эътироф этишича, агар подшоҳ шундай сифатларга эга бўлмаса ёки ушбу амалларни бажаришни истамаса, у ўз халқига хиёнат қилган бўлади. Мутафаккир катта-катта давлатларнинг таназзулида амалдорларнинг ролини бир неча тарихий воқеалар ва ҳикоялар мисолида келтириб кўрсатади. Унинг бошқаруви стратегиясидаги қарашлари, таклиф ва ҳулосалари ўз даврига нисбатан анча илгарилаб кетган назария бўлиб, асосан XX аср охирига келиб Марказий Осиёда долзарб бўлган парламентар тузум ёки парламент назоратини ёдга солади. Давлатчилик тузиш тартибини такомилга етказган подшоҳларни улуғлаб, уларнинг эзгу ишларини тарғиб қилган аллома, амир Шоҳмуродни халифа Умарга қиёслайди. Аҳмад Дониш бегуноҳ амир мақомини олган амир Шоҳмуродни “Амирлик гиламини камбағаллик кийими билан беади, жаҳон боғидан душманлик ва ёмонлик томирини суғуриб ташлади ва адолат ниҳолларини ўтказди”¹⁷, - деб улуғлайди.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Аҳмад Дониш юрт равнақи учун қайғурадиган фидоий мутафаккир сифатида Форобийнинг ҳикматларидан илҳом олиб, ўзи тахмин қилган ва прогрессив характерга эга бўлган юрт манфаатини кўзловчи омилларни таклиф сифатида илгари суради. Дастлаб давлат бошлиғининг “Одил шоҳ” бўлиши учун лозим бўлган подшоҳнинг

¹⁶ Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое (Нодир воқеалар). / И. М. Мўминов таҳрири остида. (Форс-тожикчадан А. Ҳамроев ва А. Шокиров таржимаси). - Тошкент: Фан, 1964. – Б. 326.

¹⁷ Аҳмад Дониш. История мангитской династии. - Душанбе: Дониш, 1967. –С.26.

адолатли бўлиши, манман ёки такаббур золим бўлмаслиги, яхши подшоҳ ҳамиша ҳожатманд, инсофли ва мурувватли бўлмоғи кераклиги, мамлакатдаги етим-есирлар, ночор аҳволдаги кишиларни қўллаб-қувватлаб ўзи оддий фуқаролардек кун кечирishi каби шахсий сифатларини санаб ўтади.

Диссертант эътирофича, Аҳмад Дониш баркамол, маънавий етук инсонни вояга етишида тарбиянинг ўнлаб қоидаларига эътибор қаратгани айтилади. Унинг асарларида ахлоқ, нафс тарбияси, меҳнат, ҳунар ва касбга ўргатиш, баркамоллик, инсонийлик ҳислатлар каби тарбиявий жиҳатларга оид кўплаб фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Ушбу инсон тарбиясига йўналтирилган барча жиҳатлар олим фаолиятига ижтимоий-фалсафий, тарихий, давлат бошқарувига оид қарашлар мажмуасида яхлит, узвий, давомийлик ва изчилликда баён қилинганлиги эътиборга лойиқ. Жумладан, унинг ахлоқий қарашларида ахлоқан пок, маънавий баркамоллик, нафс, мол-дунёга ҳирс қўйишдан тийилиш ғоялари етакчилик қилади. Аҳмад Донишнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари асосан гуманистик ғоялар билан суғорилган бўлиб, ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мутафаккир мавжуд сиёсий тузумнинг мамлакат тараққиётига ғов бўлиб қолганлигини кўрсатишга ҳаракат қилади ва бу ғояни олиб ташлаш йўллари кидиради. “Наводир ул-вақое”да Аҳмад Дониш гоҳ ҳаётни куйлайди, гоҳ умидсизлик, дарвишлик оҳангида сўзлайди. Мутафаккир ўзининг ушбу шоҳ асарини бутун умри давомида ёзган бўлиб, унда бир қанча рисола ва ҳикояларни жамлайди.

Диссертацияда “Наводир ул-вақое” асарининг мундарижаси бой ва хилма-хил бўлиб, у ижтимоий ҳаёт ҳамда фалсафа ва ахлоққа оид масалаларини ўз ичига олгани таъкидланади. Асарнинг энг йирик боби “Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш” ҳақидаги қисмидир. Шунингдек, ушбу бобда амир ва бошлиқларнинг феъл-атвори, бошқа давлат арбобларининг халқ билан қандай муомалада бўлишлари ҳақида батафсил баён этилган бўлса, асарнинг иккинчи фасли иккинчи бобида давлат бошқарувидаги подшоҳлар ва амирларнинг ҳарбий аскарлар ва давлат хизматчиларини мансабга тайинлаш ва уларга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот берилган. Асарнинг учинчи бобида эса бевосита подшоҳларнинг мамлакатни адолатли идора қилиш усуллари, давлат бошқарувидаги подшоҳлар ва амирларга халқпарвар, мурувватли, инсофли, адолатли, ҳақгўй бўлишлари тўғрисида берилган маслаҳат ва таклифлар ўрин олган. Ушбу асар маърифатпарварлик ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, муаллиф асарнинг бошқа бобларида коинотнинг тузилиши, оламнинг абадийлиги, ижтимоий ҳаёт, касб-ҳунарнинг фойдалари, муҳаббат, оила ҳамда бола тарбияси каби масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Дониш ушбу асарда фалсафанинг кўп масалалари бўйича сўз юритган. Масалан, ўрта аср шарқ фалсафасида кенг тарқалган “таваккул” назариясини танқид этиб: “Агар киши таваккулга ишониб ҳаракат қилмаса, меҳнат қилиш ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечирish ёки мўл-қўлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса,

ундай киши хато қилади. Демак, у ақлли эмас”¹⁸ - деб таъкидлайди. Мутафаккир кишиларни ғайратли бўлишга, мақсадни кўзда тутилган фойдали ишга қаратишга, ўз хусусий ишларига ўралиб қолмай, қайси йўл билан бўлса ҳам халқ учун фойда келтиришга даъват қилади. “Ҳеч кимнинг ризки осмондан тушмайди, ҳаракатсиз мақсадга етиб бўлмайди. Ялқовлик қилиб, ўз юкини ўзи кўтармай, бошқалар устига ортар экан, ундай одам инсонлик шарафини йўқотиб, кишилик қаторидан чиқади”¹⁹, - деб изоҳлайди.

